

МОЛИЯ-ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРМАЁТГАН ВА ҚОНУНЧИЛИКДА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРДА ЎЗЛАРИНИНГ УСТАВ ЖАМГАРМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРМАГАН ҚОРХОНАЛАРНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИНИ СОДАДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш тартибини йўлга қўйиш ва соддалаштириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус (республика, вилоят, шаҳар ва туман) комиссияларини тузинлар, уларнинг таркибига ҳокимиятларнинг, молия, солиқ ва юридик органларнинг, банк муассасаларининг, статистика, ички ишлар органларининг, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасининг вакиллари киритилсин.

Тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоят, шаҳар, туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича уринбосари махсус комиссиянинг раиси этиб белгилансин.

2. Тузилмаётган ҳудудий махсус комиссиялар зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган қорхоналар фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсада мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган қорхоналарнинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатларида вакил қилинган органлар уларни тугатишга рози бўлмаган, шунингдек мажбурий ҳақлар ва органларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни тугатиш жараёнига жалб этишни таъминлаш мумкин бўлмаган ҳолларда хўжалик судларининг қарорлари бўйича ана шундай қорхоналарни тугатиш жараёнини амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, савдо ҳамда савдо-воситачи қорхоналар уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисоб варақалари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда, тижорат банклари:

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб варақаларини ёпиладилар;

хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб варақалари ёпилаган санадан бошлаб уч кун муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига мажбурий субъект фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсада мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалаларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш учун ахборот берадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ёпиладилар ҳисоб варақаларидаги маблағлар қолдиғи тижорат банклари томонидан шу маблағлардан фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисоб варақаларга қўйилади, хўжалик юритувчи субъектнинг тулаш учун банкка тақдим қилинган кредиторлик қарзи эса — қўйилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисоб варақаларига ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар номига келиб тушадиган маблағлар уларнинг банк ҳисоб варақалари ёпилагандан кейин фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисоб варақаларга қўйилади.

Фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисоб варақаларга жамланган маблағлар тижорат банклари томонидан биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар олдидagi қарзини тўлашга, қолган суммаларни эса — 9 туловларнинг календарь навбатига қараб уларнинг кредиторлик қарзларини тўлашга сарфланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари солиқ органларининг тақдирномаси ҳамда ҳудудий махсус комиссиянинг тегишли ҳулосаси бўйича улар руйхатга олган қорхоналарни тугатиш жараёнини, шу жумладан зарур ҳолларда суд тартибда амалга ошира бошласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, муассислар (қатнашчилар) ёки улар томонидан вакил қилинган органлар турган жойини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда қорхона молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлар тоифасига киритилган ва бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида тегишли эълонлар босиб чиқарилган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгандан кейин тугатиш жараёни суд тартибда амалга оширилиши мумкин.

5. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишлар бўйича ариза ва жавобгар суд чиқимлари ҳамда давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида қуйидаги узгаришлар киритилсин:

«Хорижий сармоялар иштирокидаги қорхоналарга бериладиган қўшимча рағбат ва имтиёзлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги 1652-сон фармонининг 6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, хорижий сармоялар иштирокидаги қорхоналарнинг устав жамғармаларини таъсис ҳужжатларида қузда тутилган миқдорларда шакллантиришнинг охириги муддати ҳуқуқматнинг айрим қарорларида бошқа нарса қузда тутилмаган бўлса, қорхона давлат руйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак»;

«Янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини қўйиштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 20 мартдаги 2276-сонли фармонининг 2-банди ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган узгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мажбурий фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Н. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1999 йил 28 июнь.

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 29 ИЮНЬ, сешанба, № 46 (6.002). Сотувда эркин нархда

ЖУМАДАН — СЕШАНБАГАЧА

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Илгари хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 июнь кунини Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти Давлатлараро Кенгашининг Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлган мажлисида иштирок этди.

Мажлисида минтақавий интеграция ҳамда хавфсизлик масалалари кўриб чиқилди.

25 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти амалдаги раиснинг махсус вакили Вильгельм Хойнски қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг мажбурий тақсирот билан ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилди.

Мамлакатимиз Президентини Ўзбекистон Матбуот ва оммавий ахборот воситалари қўшма директори уларнинг қаб-байрамлари билан кутлаб, табрикнома йўллади.

«Халқимизнинг яратувилик механизми, юртимизда кечаятган ўзгаришларнинг ҳалол ва холис ифодачиси, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлиши матбуотимиз ва маълумотларимизнинг жамият ҳаётида туғган ўрин янада муҳим ва салмоқли бўлишига ишонаман», дейилган жумладан табрикномада.

27 июнь кунини Тошкентда матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунини бағишлаган анжуман бўлди. Анжуманда республикамиз Президентининг ижодкорларга табрикномаси ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, катор журналларга совринлар ва совғалар топширилди.

Хоразм вилояти галлакорлари давлатга галла топшириш шартнома режисини бажардилар. Ватан хирмонига 37.200 тонна дон етказиб берилди.

Тўрақўрғон тумани галлакорлари ҳам давлатга дон етказиб берин режисини адо этдилар.

Улар режага қўшимча равишда яна 1000 тонна галла топширишга аҳд этишди.

ИЛМ ВА АМАЛ

ЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ УСУЛЛАРИ

Ўза парварлишида маъсулиятли кунлар бошланди. Ўзбекистонда илмий муассасаларда қандай излашлар олиб борилади? Янгиликлар борми? Хўжаликда нима ишлар қилинапти? Мажбурий равишда ишлар қанда.

Олим таклифи

Бу йилги қишнинг илқ келиши зарарли организмларни талафотсиз қиқишига имконият яратди. Оқибатда, гузда илқиз қуртлари, усимлик битлари, тринслар, кусак қурти, қандақалар ҳамда ургимчаккаларнинг катта майдонларда тарқалиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

БОШҚИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ НАВЛАР БЎЙИЧА ЖОЙЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УЛАРИНИНГ СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИНИ ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республика хўжалиқларида бошқик дон экинларининг юқори ҳосилли, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли иштиболли навларини оқилона жойлаштириш, минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда бошқик дон экинлари навларини янгилаш ва уларни навлар бўйича жойлаштиришнинг ҳар йилги дастурлари ўз вақтида ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Бошқик дон экинлари навларини янгилаш ва уларни навларга кура жойлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича доимий ишловчи республика комиссияси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Бошқик дон экинлари уруғчилигини яхшилашга доир таклифларни урганиш ва ишлаб чиқиш, уларни республика минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитларига мувофиқ навлар бўйича районлаштириш ва жойлаштириш асосланганлигини таҳлил қилиш;

ҳар бир минтақадан кури билан 3-4 хил юқори ҳосилли, этиб қолмайдиган, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлар экилишини назарда тутган ҳолда бошқик дон экинлари навларини республиканинг турли иқлимий ҳудудларида етиштириш учун танлаш;

Республиканинг турли минтақаларига татбиқан янги серхосил ва касалликларга чидамли навларни жадал яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадида бошқик дон экинларига доир селекция-уруғчилик ишларини олиб боришнинг замонавий технологиялари ва йўналишларини излаб топш ҳамда жорий этиш;

Республиканинг жанубий минтақалари, айниқса чул ва яримчул минтақалари учун навли уруғлар етиштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илмий-тадқиқот институтлари, таҳриба станциялари, идоравий бўйсунушидан қатъи назар, навлар участкаларининг фаолиятини таҳлил қилиш, селекцияонерлар ва уруғшуносларни рағбатлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

элита, биринчи ва кейинги репродукцияли уруғликка бўлган эҳтиёжни, шу жумладан лалими зона учун, уларни дон маҳсулотлари қорхоналари, хўжалиқлар томонидан ишлаб чиқариш ва тайёрлаш ҳажмини аниқлаш;

навларнинг ҳосилдорлигини ва бошқа сифат курсаткичларини курсатган ҳолда бошқик дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш ва навлар синови натижалари бўйича ахборот-таҳлил материалларини вақти-вақти билан нашр этиш ва жойларга етказиш.

3. Доимий ишловчи республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

уруғчилик хўжалиқлари фаолияти самарадорлигини урганишнинг зарурият бўлганда уларнинг сони ва жойлаштириш дон экинчи хўжалиқларнинг юқори сифатли уруғликларга бўлган эҳтиёжини тулиқ қондиришдан келиб чиқиб қайта қўриб чиқсин;

бошқик экинлар уруғлиги тайёрлаб қўйилмаган дон маҳсулотлари қорхоналари ишини таҳлил қилсин, уларни уруғлик материал тайёрлаш, уларга ишлов бериш, уларни тозалаш, навларга ажратиш, дориллаш ва саклашга ихтисослаштириш масалаларини қўриб чиқсин, бунда «Ўз-донмаҳсулот» корпорацияси тизимида республиканинг жанубий минтақаларининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда улар учун бошқик дон экинлари уруғлиги тайёрлаш қорхонаси ташкил этишни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, давлат киньё комиссияси бошқик дон экинлари ҳосиллини касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш юзасидан тавсияларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар, уларда уруғчилик тайёрлаб қўйиш, уларга ишлов бериш ва даладарни тайёрлашда, шунингдек бошқик дон экинлари ўсиши даврида экинларни касалликлар, зараркунандалардан асраш мақсадида белгилашнинг ҳамда доимий ишловчи республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. Доимий ишловчи республика комиссияси ҳар йили бошқик дон экинлари ҳосилли йиғиштириш олингандан кейин 1 августга қадар республиканинг барча туманлари ва вилоятлари шароитида районлаштирилган бошқик дон экинлари ҳосиллини таҳлил қилиш.

(Давоми 2-бетда)



Бука туманидаги Гаффор Азаматов номли корпорация деҳқонлари пахтачиликда ўзига хос тажрибига эга. Айни пайтда барча даладаларга агро-техника қондалари асосида икки бор ишлов берилган. Ғўза нихоллари бир текис ривожланмоқда. Жамоа бу йил ҳар гектар ердан камида 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган.

Суратда: корпорация етакчиси (чапдан) А. Усмонов ва пудратчи С. Тожибоев.

Х. АВВАЛОВ олган сурат.

ОСОЙИШТАЛИК — БУЮК НЕЪМАТ

Кунини кеча Президентининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири саволларига берган жавоблари асосида тайёрланган «Хўшерликка даъват» деб номланган мақола кўриб олган.

Энди ишларимиз кузларини каттарок очинчи, Тошкентдаги 16 февраль, Тожикистонда бўлиб ўтган муҳим воқеалардан ҳулоса чиқариб олишлари керак эмасми? Қабих ниятли кишиларнинг ким эканлиги, улар нима ниятда динни ни-

шундай булғач, мушаккил юртимиз оқсоқиллиги, тинчлигини сақлашга ҳар кимнинг ҳиссасини қўйиши лозим. Ана шунда мамлакатимиз янада ривожланади, ютуқлар қўлади. Биз оруз қилганимиздек Ўзбекистон келажиги буюк давлатга айланади.

Умаркул ХУЖАМУРОДОВ, Ховос туманидаги «Саттор» фермер хўжалиги бошлиғи.

қиб қилиб олиб иш кураётганиги маълум бўлди-ку? Бунини ҳозир имони бутун, Фарасатли ҳар бир киши англаб етди.

Огоҳликка даъват

«БИР АЖИБ ҲИС БОР ЭДИ МЕНДА...»

Мухтарам газетхон! «Саёҳатнома» жанри бадиий ижодда, журналистикада қадим-қадимдан маълум ва машҳур. Лоақал Мавлоно Муқимийнинг машҳур «Саёҳатнома»сини, ёки Аҳмад Дониш асарларини, рус адаби А. Ра-дишевнинг «Петербургдан Москвага саёҳат» номасини эсланг...

Тахририятимиз ўшал кўна рукнини янгартиш асносида Сизни муҳбирларимиз билан бир-галикда бепоён мам-

лакатимизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларига қилишга қорлайди. Сафардан мақсад фақат сайру томоша эмас. Иқтисодиёт ва айналик а маънавиятдаги эзгуликларга ошно бўлиб, гурурланмиш, муаммо ва камчиликларни рўй-рост кўрсатиб, уларнинг ечимига кўмаклашишдан иборат.

Дастлабки саёҳатимизни Муқимий доманининг руҳларини шод этиб, Фарғонадан бошладик.

Янги руқ тақдимоти: САЁҲАТНОМА

(Давоми 4-бетда)

ХўЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА НОЎРИН АРАЛАШМАНГ!

Бу иқтисодий ислохотлар маромига зарар етказад

Иқтисодий эркинлаштириш, аввало давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан қорхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашини чеклаб қўйиш билан боғлиқ.

Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг XIV сессиясида алоҳида таъкидлаганди.

Наманган вилоятида жорий йилнинг биринчи чора-гида режадан ташқари, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва ҳудудий комиссиянинг руҳисини 13 та назорат органи томонидан 1782 та текшириш ўтказилгани аниқланди. Айниқса, Наманган шаҳар ички ишлар бошқармаси ёнгидадан саклаш бўлими 668 марта, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси 706 марта, шаҳар ветеринария инспекцияси 69 марта режасиз текширишлар ўтказганига нима дейсиз?

Чиндан ҳам ташкилот, қорхона, хўжалиқлар фаолиятига ноўрин аралаштириш давом этаётгани таъкидланди. Қў-

хсларга нисбатан қонунда белгиланган жаза чоралари қўрилмаганига ажабланасанки. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари тулиқ бажарилмаётганидан далолат-дир.

Мутахассисларнинг фикрларига қўлоқ солсан, текшириш ўтказилмаётган даврда ишлаб чиқариш қорхоналарида самарадорлик сезиларли бўлади.

(Давоми 2-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

Ёронгул — бебаҳо ўсимлик! Ундан эфир олинади.

Қишлоқ дўконидagi юлғич ким?

Антиқа «меҳмон»



МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

НАВОИЙ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

РАҚАМЛАР ҲИКОЯСИ

● 1982 йил 20 апрелда Бухоро ва қисман Самарқанд вилоятлари ҳудудларидан ташкил этилган. Вилоят таркибида 8 туман (Конимех, Навбахор, Навоий, Нурота, Учқудук, Хатирчи, Қизилтепа) 7 та шаҳар (Навоий, Учқудук, Зарафшон, Кармана, Қизилтепа, Нурота, Янгиробот) ва 6 та шаҳарча (Маликработ, Конимех, Лангар, Мурунтов, Тинчлик, Фозгон) бор.

● Навоий 1958 йил 3 сентябрда ягона бош лойиҳа асосида sanoat шахри сифатида бунёд этилган.

● Энг йирик sanoat тармоқлари: Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Навоийцемент» ва электротехника ҳиссадорлик жамоалари, Нурота ва Фозгон мрамар конлари, ун комбинати, «Маҳаллий sanoat» савдо-sanoat концерни.

● Қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоқлари: пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, қорақўлчилик, пиллачилик. Қишлоқ ҳўжалигига яроқли ерлар 9526,6 минг, шундан яйловлар 9400,2 гектарни ташкил этади.

● Қорақўлчилик етакчи тармоқ ҳисобланади.

● Ташқи иқтисодий алоқалар: Вилоятда ташқи иқтисодий алоқалар кундан-кун ривожланиб боради. Индонезия, Англия, ХХР, Польша, Швейцария, Туркия, МДХ давлатлари билан савдо-sotик қилди.

● Транспорт: Вилоятда темир йўл узунлиги 445 км.

● Автомобил йўли узунлиги 5434 км.

● Спорт: Вилоятда ўйингоҳлар сони 11 та, спорт заллари 145 та, спорт майдончалари 1161 та, теннис кортлари 11 та.

● Илм-фан: Хозирги кунда вилоятда 2 та oliйгоҳ, 4 та ўрта махсус таълим ўқув юрталари фаолият кўрсатмоқда. Бу ўқув юрталарида ҳар йили 2900 та малакали мутахассислар тайёрламоқда.

● Соғлиқни сақлаш: Вилоятда 45 та касалхона мавжуд бўлиб, уларда 3800 та ўринлар ташкил этилган. 89 та кундузги шифохоналарда 1600 та ўринлардан фойдаланилади. 2500 ҳақим ва 8700 ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатишяпти. Шифохоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

● Алоқа: Вилоятда рақамли телефон станцияларига ўтилганидан кейин маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон тизимларига чиқиш ҳажми кескин ошди. 1999 йилда телефон тармоғи хизматидан 37537 та абонент фойдаланмоқда.

● Қишлоқ инфратузилмаси: Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида шу йиллар мобайнида 76,6 км сув ва 170,9 км газ тармоқлари қурилди.

ЎНГЛАНИШ БОСҚИЧИ

Навоий вилояти узининг иқтисодий салоҳияти билан мамлакатда алоҳида урин тутаяди.

Қўрғошнинг таъкидланганлиги, мустақиллик шарофати билан Қизилқум боғлиқлари Ўзбекистон манфазатларига, унинг куч-қудратини оширишга жиҳат қила бошлади. Истиқлол йилларида Навоий вилояти харитасида Зарафшон «Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, 3-металлургия заводи иккинчи навбати, Қизилқум фосфорит заводи пайдо бўлди. Аммо...

Вилоятда иқтисодий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар сўст олиб борилаётганлиги утган йили халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида адолатли танқид қилинган эди.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда вилоят иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан муаммолар тўпланиб қолди. Вилоят sanoat корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозор талабларига жавоб бермай қўйди. «Қизилқумцемент», «Электротехника», «Навоийазот» корхоналарида харидоригр маҳсулотлар қамайди. Худди шундай вилоят қишлоқ ҳўжалигига ҳам мураккаб вазият юзага келди. Ерларнинг

мелиоратив ҳолатига эътибор берилмади. Оқибатда пахта ҳосилдорлиги қамайди. Қорақўлчиликда ҳам тўпланиб қолган муаммолар ўз вақтида ечимини топмади. Республика ҳўкумати томонидан қорақўлчиликни ривожлантириш буйича бир қатор ҳўжатлар қабул қилинишига қарамай, вилоятда бу соҳа мутлақо ўз ҳолатига ташлаб қўйилди. Натиждада қорақўл қўшлар сони кескин дарражада қамайиб қетди.

Вилоят ҳўкимини Гайбулла Дилов билан суҳбатлашиш асосида ишон ҳосил этилди, сессиядан кейин вилоятдаги ахвол чуқур таҳлил этилиб, Республика Президенти ва ҳўкуматининг бевосита ердими билан мавжуд қамчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Ислохотларни чуқурлаштириш борасида кенг куламли ишлар бошлаб юборилди.

Дехқончилик ва чорвачиликни сердаромат тармоқларга айлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири қилиб қўйилди. Хозирги кунда ўртачул массивида 5 минг гектар ерни ушлаштириш жадал суръатлар билан олиб борилаёпти.

Қишлоқларни газ ва сув билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Нуроталик Латифа Ҳожиева Фозгон қўрғонини газлаштириш мақсадини кўтарган эди. Президентимиз бу тақлифни қўллаб-қувватлади ва бевосита Қўрғошнинг ташаббуси билан олиб қирлар жойлашган Фозгон қўрғонини газлаштириш ишлари бошлаб юборилди. «Хотира ва Қадрлаш кўни» арасида Фозгон хонадонларида табиий газ ёнди.

Яқинда Республика ҳўкумати «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Маълумки, вилоят аҳолисининг муайян қисми чул минтақасида истиқо-

мат қилади. Қарордан келиб чиққан ҳолда қишлоқларда газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Ҳар бир қишлоқда барча кулайликларга эга булган тиббий ердми курсатиш шохобчалари барпо этилади.

Тап Навоий вилоятнинг иқтисодий иқтисодий салоҳияти тўғрисида борар экан, ҳар қандай юқалиш таъкидлаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигига бориб тақалади.

Маълумки, Кармана шаҳри Марказий Осиё маданиятида алоҳида урин тутаяди. Мустақиллик тўғрисида тарихий шаҳарнинг обидаларини ургаши, асраб-авайлашга катта эътибор берили бошлади. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз раҳбари Кармана тарихий обидаларига булган муносабат кўнглидагидек эмаслигини жиҳдий танқид қилган эдилар.

Шу йилнинг апрел ойида бу қадимий шаҳар тарихига бағишланган «Кармана ва унинг Марказий Осиёда тутган урни» мавзусида бўлиб ўтган Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Ушбу илмий анжуманда Кармана тарихини ургаши ва унинг тарихий обидаларини тиклаш борасида қимматли фикрлар билдирилди. Хозирги кунда Қосим Шайх, Мирсаид Баҳром, Маликработ тарихий ёдгорликларини таъмирлаш борасида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Шу йил 27 майда мамлакатимиз раҳбари «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида»-ги Фармонга имзо чекилар. Бу Фармонни бутун навоийликлар катта қувонч билан қутиб олдилар. Кармана ўз даврида тарихий ишларни билан ва улкан маданият-маърифий мерос билан маълум ва машҳур бўлган. Бироқ шўру тузуми даврида Кармана обидалари эътибордан четда қолди. Унинг бебаҳо маданият даяр тўфонлари орасида қолиб қетди.

Навоий шаҳри таркибида Кармана туманининг ташкил этилиши Қўрғошнинг тумонидан бу қадимий шаҳарга, бутун навоийликларга қўрсатилган ҳеказ эътирон намунаси бўлди. Яқинда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йилги йиғилишида Кармана шаҳрини иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш Навоий туманининг анги маъмурий марказини барпо этиш тўғрисида атрафилича сўз юритилди.

Муҳтарам Президентимиз ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясининг ақулловчи мажлисида сузланган нутқларида «кириб келаётган XXI асрда дунёни муайян ва маърифат қутқаради» деган эдилар. Навоий вилояти янги асрда тикланган улкан қадриятларимиз, бебаҳо маданият меросимиз билан қириб қолмоқда.

ТЎРТТА ТЎҚҚИЗ — БУ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Албатта, дарҳол тушунидигиз — бу Ўзбекистоннинг жаҳонда тенгсиз, аъло сифатли олтин! Ана шу олтин ҳақида гап кетар экан, Навоий тоғ-металлургия комбинати жамоаси фаолияти ҳақида ҳикоя қилиш ҳоиз бўлади.

Қорхона раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Н. И. Кўчерский билан суҳбатлашдик. Николай Иванович бугунги ишлар, келгусидаги режалар ҳақида гурур ва айни пайтда теран масъулият билан сузлаб берди.

Қорхонанинг олтин ишлаб чиқаришдаги шўхрати тобора ошиб бораёпти. Комбинат тамғаси билан тайёрланган бу ноёб металл сифати халқаро миқёсда бир неча бор тан олинганлиги ҳусусида кўп айтилган ва ёзилган. Ҳамдустлик давлатларида олтин ишлаб чиқариш буйича Навоий тоғ-металлургия комбинати билан беллаша оладиган бирорта корхона йўқ. Навоий олтини қўллаб халқаро муқофотларга муносиб топилган. Лондон нодир металл бозори уюшмаси бизнинг олтинимиз сифатини юқори баҳолаганлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Мухим шундаки, НТМК олтин қазиб олиш, уни қайта ишлаш, бойитишдан тортиб, бу металлдан турли буюмлар тайёрлашгача булган ишлаб чиқаришининг бутун комплекс жараёнини ўзида муассаслаштирган.

Дарвоқе, дастлаб «Зариспарк» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси сифатида иш бошланган ҳо-



Навоий тоғ-кон металлургия комбинати-га қарашли Нуробод мрамар цехи маҳсулотларига харидорлар кўпаймоқда.

ИТАЛИЯЛИКЛАР НУРОТА ЧЎЛЛАРИДА

Шўбҳасиз, вилоятнинг sanoat салоҳияти фақатгина олтин, уран қазиб олишдангина иборат эмас. Бугунги кунда индустрия ўзоқ яйловлар бағригача етиб бормоқда. Бунга Нурота туманида ишлаётган Уэбек-Италия қўшма корхонаси мисол бўла олади.

Педрини фирмаси Италияда 1962 йил Бергама шаҳри яқинида ташкил этилган. Фирма асосчиси Лунди Педрини бўлиб тошин қайта ишлаш технологиясида иқтисодий яратганлардан бири. Унинг технологияси юқори маҳсулдор ва рентабелли. Мрамар харсангини кесилдан то чикиндиларни ўтилтиришга лагача булган иш жараёнини ўз ичига олади.

Қорхонада бўлиб хориқлик муҳандисларни мулоқотга тортиди. Улар Суриш Парижада, Гурлинг Мурти. Бу икки еш йигит Италияда Педрини фирмасини Ҳиндистондаги сервис хизмати муҳандислари бўлиб шартнома буйича олинган ускуналарни ўрнатди, ишлаш шартини ниҳоятга етказдилар.

Жаноб Парихар айтинчи, Педрини ускуналарини дунёнинг нечта мамлакатларида ишлатилганми?

Харидоригр мол ҳен қачон ерда қолмайди. Шу бондан булса керак бу ускуналар Америка, Испания, Миср, Эрон, Туркия, Малайзия, Сингапур, Хитой сингари 60 та мамлакатда ўз қадрини топган.

— Ўзбекистонда-чи?
— Сизнинг Ватанга энди Педрини кириб келяпти. Ҳозир Тошкент, Нукус, Бухорода шундай станоклар ўрнатилган. Улар қаторида Нурота ҳам туртинчи бўлиб қўшилди.

— Ускуналарнинг технологияси ҳақида гапирсангиз?
— Бу машиналар дунё синовидан утган. Педрини жаҳон миқёсида энг олдинда турадиган машинасозлик заводиридир.

— Жаноб Парихар ишлаш жараёнида ишчилар билан танишидигизми? Улар ҳақида нима деясиз?
— Тургисини айтсам ишчилар малакеси баланд. Станокларни яхши бошқаришади. Лекин мен уларга ҳаёт ҳар кунни ургашини талаб этаётганини эслатмоқчиман.

— Ҳиндистонга борган дўстларингизга нималар ҳақида сўзлаб берасиз?
— Бир ой жараёнида анча нарсани ургади. Одамларнинг меҳмондўст, ишга фидойли. Нуротанинг узани гоят қадриятиман. Бу ердаги овқатлар худди Ҳиндистонникига ўхшаб. Дусларим қўлайди.

— Тилдақларингиз?
— Педрини ускуналари мамлакатингизга кўп келсин, кўп хизмат қилсин.

— Мрамар сифати ҳақида...
— Мрамар сифати аъло, ранги харидоригр. Била-сиз, мрамар абадий.

ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАЙДИ

Нуротадан қайтар эканмиз, йулни Навбахор туманининг бевон олтинранг галлазорлари сари бурдик. Чиндан ҳам бугун Она-ўртинимиз улкан олтин уммонини эслатади. Ана шу уммонининг бир чети Навбахорнинг худудий кенгликларига тўташиб қетади. Қўёш ҳароратидан дамба тулган бошқарув аҳли бир тўрмоқ қабил қўлади. Байқаллар сари юзланганмиз ўрим қўмбаларининг шовқини қўлоқни қоматга келтиради. Бу — Навоий номили жамоа ҳўжалиги экан.

— Насиб бўлса уримни 10-12 иш кунинда ниҳоясига етказамиз, — дея гап бошлади ҳўжалик бошқарув раиси Боймурод Собиров. — Ҳозир галлазорларимизда 4та қомбайн юксак унум билан ишламоқда. Натихада ҳар йили 22-25 гектар майдондаги дон этиқларини уриб-ўчиб оламиз. 14 гектар ердаги арпа уримини эса ниҳоясига етказдик. Арпазорлари ҳосилдорлиги гектарига 60 центнер, бугдўнлиқки эса ўртача 45 центнерга етаяпти...

Дарҳақиқат жорий йилда 366 гектар майдондан 1175 тонна дон ишлаб чиқарилиб шунинг 704 тоннасини давлатга сотишга аҳд қилган ҳўжалик галлазорлари урим-йиғини оммавий сафарбарлик билан олиб боришяпти. Ўқиса вақт мобайнида ҳўжалик буйича 100 гектар майдондан дон этиқлари уриб-ўчиб олинди. Бу ҳайрли ишларда Худайберди Мамашев, Бахтиёр Фармонов каби қўмбайнчиларнинг гайрат-шўжояти катта бўлмоқда. Шунингдек, Нуротадан қўмаққа келган Нурат Раҳабов, Учқун Омонов каби ҳашарчилар ҳам узларининг «Енисей» қўмбайнларини бетухтов ишлатиб суръат қўшишмоқда. Қабул пунктларига сара дон ва чорва фермасига сомон ташинида Ислам Ҳайдаров, Саҳрат Остонов, Зойир Гайбуллаев, Номоз Нуриллаев, Ибройим Ҳўжаев сингари дала даррагари жонбозлик кўрсатишяпти.

— Экинлари урилган майдонлар такрорий экинлар, маҳажуҳори, шўли, далаги, кузги сабзавот экин учун тайёрланмоқда. — дейди Б.Собиров. Пешма-пеш шўдгор қилинаётган даладор томон борарканмиз, ҳозиргача 50 гектар ер қайта экинга тайёрланди.

Ҳа, арабсаройликларни нони бутун галлазорлар дея маҳд этакс аранди. Жўмладан, ҳўжалиқни ҳам. Зеро, бу ҳўжалик ҳар йили галла мустақиллигига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Шўбҳасиз бу йил ҳам маъзур ҳўжалик деҳқонларининг юзи ёру бўлади.

Навбахорнинг бошқа қатор ҳўжалиқларида булганимизда ҳам ана шундай юксак ушшоқлик билан олиб борилаётган меҳнат зарфининг гувоҳи бўлдик.

Умуман, вилоят галлазорлари истиқлолнинг сақинини йилнинг галлачиликда юксак натижалар билан нишонлаш, мамлакатимиз галла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш йулида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

ХАТИРЧИГА БИР КЕЛИНГ

Хатирчи вилоятдаги энг йирик туманлардан бири. Бу ерда 155 минг аҳоли истиқомат қилади. Вилоятда 120 минг тонна пахта етиштирилса, шунинг 40 минг тоннаси хатирчиликларнинг улуши ҳисобланади. Галласи-ю пилласи, чорваси-ю меваси, фойдалани қазилмаси, болдан ширин узумлари, эҳ-ҳе айтаверсак, гап кўп. Мухими, мустақилликдан кейин Хатирчи энг қурол гўшалардан бирига айланди. Бугун ундаги қурилиш-ободонлаштириш куламли тобора кенгаймоқда.

Янгиробот — Хатирчи туманининг маркази ҳисобланади. Бу шаҳар кўн сайин қирой очиб, ўз қўрғига қўрқ қўшмоқда. Хув, ана ҳўкимият турғисида, шаҳарнинг қўқ марказида ҳашаматли, салобатли қўрқами қуриляпти. Бу бино маданият саройи. Келгусида ешларнинг энг сеvimли гўшасига айланади.

Кўча буйлаб юрсангиз, ана бир қўрқам бинога кўзингиз тўшади. Бу ўтган йили ишга тушган туман «Пахта» банки. Унинг ёнида бир-биридан қиройли қилиб қурилаётган Халқ банки, Солиқ идораси бинолари... Хуллас, Янгиробот шаҳри ҳўшилар холдек ярашиб турган бундай янги қурилишлар, бинолар талайгина. Энг қувончлиси, уларнинг ҳаммаси мустақиллик медаллари. Янги биноларнинг аксариятини мустақилликнинг сақини биллиги байрамиди ишга тушириш режалаштирилган. Шунингдек, «Хатирчи — Зарафшон» йўналишидаги йўллар эни 24 метр ҳажмда кенгайтирилмоқда. Йўл ёқларидаги йўлакларга плиталар ўтказилляпти. Тумандаги энг чекка ҳўжалик — «Зарафшон»га газ қўвураги тортилляпти.

Хатирчининг дашт ерлари кўп. Октовга туташ даштликлар бағрида боғ яратишда энг ишга тамал тоши қўйилди. Октов бағрида Қўқсарой сув омбори қурилиши бошланди. Навоийдаги 24-сон қурилаётган ташкилотлар бирлашган дирекция буюртмаси асосида Навоий вилояти сув қурилиш бошқармаси, 3 ва 7-механизациялашган кўча бошқарув қўвурачлари бу ерда пудратчи сифатида иш бошладилар. Ушбу қурилиш ташкилотларига қарашли экскаваторлар, «Камаз», «Белаз» русумли машиналардан унумли фойдаланиш тўғрисида бир ой ичнда 2 миллион сумлик иш бажарилиди. Хатирчидаги Раҳмонқул Шўқуров бошчилик қилаётган 14-механизациялашган кўча қолонна қўвурачлари сув омборига йўл, тош майдалаш цехини қуриш ва дастлабки муҳандислик ишларини бажаришга киришишган.

Сув омборига 7,5 миллион кубометрдан зиёд сув тўпланиши мўлжалланган. У ишга тўсқа, дастликдаги 1700-2000 гектар ерни боғу бустонга айлантириши мумкин. Шунингдек, сув омбори ёнида қўрқам, гузал дам олиш гўшалари бунёд этилишига имконият яратилади.

Навоий вилоятдаги энг ишлар ҳақидаги ҳикоявий яна истажанда давом этиришимиз мумкин. Аммо...

МУАММОЛАР ЕЧИМИ БОРМИ?

● Вилоятда sanoatда, қурилишда ва қишлоқ ҳўжалигида қатор муаммолар қўндалган бўлиб турибди. «Қизилқумцемент», «Электротехника» каби йирик sanoat корхоналари потенциални етарлича ишлатилмаёпти.

● «Нуротамрамар», «Фозгонмрамар» каби корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш имкониятларидан фойдаланилмаёпти. Ахир, бу мрамарларнинг доғруғини ҳамма билди-қу. Унга талаб-эҳтиёж ҳам қўлигини, мармарнинг бугунги ҳақон бозоридида баҳосини қамалаб қўрсак, қўра-била турди, бу бозордаги истиқболли, энг ушларга лоқайдлик қилинаётгани маълум бўлади.

● Пахта толасини қайта ишлаш буйича корхоналар даярили йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан Навбахор туманида ҳўжаликлар маблаг иҳосибига қурилаётган қорхонада ишлар бир неча йиллардан бундан тўхтаб қолган.

● Қишлоқ ҳўжалигида ислохотлар сўст олиб бориляпти. Пахта сотиш режалари бир неча йиллардан бери барбод бўлмоқда. Тўғри, вилоятда сув танқислигини бартараф этиш, фермер ҳўжалиқлари ташкил қилиш, ширкат ва пудрат асосида иш олиб бориш, замонавий қишлоқ ҳўжалигини техникаларини қўлайтириш борасида баъзи ишлар қилинди, лекин...

● Чорвачилик эътибордан четда қоляпти. Қўй-эчкилар сони буйича вилоят республикада етакчи уринлардан бирини эгаллайди. Аммо ушбу соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари жуда кам. Шу тўғрисида вилоятда чорвачилик сердаромад соҳага айланмаёпти.

● Кичик ва ўрта тадбиркорлиқни ривожлантириш буйича олиб борилаётган ишлар етарли эмас. Деҳқон-фермер ҳўжалиқлари томонидан етиштирилаётган маҳсулот ҳажми қишлоқ ҳўжалигига етиштирилаётган маҳсулотнинг атиги 3-5 фоизини ташкил қилмоқда.

● Шунингдек, вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келаётган ўртача даромад ҳажми анча юқори. Лекин аҳоли жон бошига қўрсатилаётган хизматлар буйича қилинаётган ишлар талаблар даражасида эмас.

Хуллас, вилоятда ютуқлар соҳасидаги ана шундай қамчиликлар мавжуд. Албатта, навоийликлар мавжуд муаммоларни қадамба-қадам ечиб, қийинчиликларни қатъият билан ениб, қўлтуғ истиқлолнинг улўғ шодивасини ёруғ юз билан қутиб оладилар, деб ишон билдириб қоламиз.

Саҳифани: журналистар Дилмурод ЖАББОР, Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Маҳмуд МАРДИЕВ, Музаффар ШАРОПОВлар тайёрлашди.



Тоғ-чўллар бағридаги энг замонавий корхоналар, Навоий шаҳрининг сўйли боғу хиёбонларидан тортиб, ўзоқ яйловларгача истиқлол шўқуни, қуриш-яратиш қайфияти устивор. Х. ШОПЎЛТОВ ошган суратлар.

